

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 86 (86), 2020 йил 19 май, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

2016-2019 йиллар давомида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми — 171,2 фоизга, жумладан, мева-сабзавотчилик — 172,6 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари — 170 фоизга, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш — 177,5 фоизга ошди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,4 миллион тоннадан ошиб, 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсишга эришилди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорига маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикамизда етиштирилётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар қўришни талаб қилмоқда.

Республикада **Organic va Global G.A.P.** халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини

ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси амалга ошириш бўйича **"Йул харитаси" 2-иловага** мувофиқ;

2020-2025 йилларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишни прогноз кўрсаткичлари **3-иловага** мувофиқ;

2020-2025 йилларда мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global

G.A.P.) халқаро стандарти талаблари бўйича сертификатланган ер майдонларининг асосий экспортбоп экин турлари бўйича прогноз кўрсаткичлари **4-иловага** мувофиқ;

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши корхоналари ва кластерлари томонидан органик пахта хомашёси етиштириш ҳамда органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси **5-иловага** мувофиқ;

Республика ҳудудларида агротуризм жозибдорлигини янада ошириш учун органик бозорлар ва ресторонолар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

Ёшлик шижоати



ЮРТ РИВОЖИГА ҚЎШИЛАЁТГАН ҚИССА

Ёшликнинг шиддатли қуввати тоғдан қасрлар, даштдан чаманзорлар бунёд этиб, саҳродан булоқлар чиқаришга қодир. Фақат уни йўналтирувчи куч эзгу, ғамхўрлик ва ишончга йўғрилган бўлиши керак.

Мамлакатимизда юририлаётган ёшлар сиёсати мазмун-моҳиятига чуқур сингган мана шу омиллар туфайли кўплаб йигит-қизларнинг иқтидори рўбга чиқиб, жамиятда шахс сифатида мақоми ва собит ўрнига эга бўляпти. Биргина ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг амалий ифодаси бугун тенгқурларини

иш билан таъминлаб, ўнлаб оилаларнинг турмуш фаровонлиги, рўзгор тўқислигига ҳисса қўшаётган ишбилармон йигит-қизлар фаолиятида яққол акс этяпти. Урганч давлат университети талабаси Гулрухсор Шержоновани нафақат Янгибозор тумани, балки Хоразм вилоятида кўпчилик яхши танийди. Жамоат ишлари, турли

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргаича бўлган даврда **мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинсин**;

кичик тадбиркорлик субъектлари;

бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиши, биололарни, шу жумладан, банклар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

2. Кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидаги суммаларни

ҳисобдан чиқариш кўринишида давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тақдим этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон фармонларига асосан фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўлашни лозим бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари;

Давоми 2-бетда

Саноат

ЗАМОНАВИЙ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БАЛИҚЧИЛИКДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИ ВА СИФАТИНИ ОШИРАДИ

Бугун жаҳонда энг сердаромад тармоқлардан бири бўлган балиқчилик саноати инсоният тамадунининг илк босқичларидаёқ ривожлана бошлаган. Ўтган давр мобайнида балиқ маҳсулотлари аксарият халқлар дастурхонидан нафақат кундалик егулик, балки саломатлик учун энг зарур маҳсулот сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади.



БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига қўра, ҳозир балиқ ва денгиз маҳсулотлари Ер шарида яшовчи аҳолининг 50 фоиздан ортиги учун асосий оқсил манбаи ҳисобланади.

Юртимизда ҳам ушбу маҳсулотга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Аҳоли эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, сўнги йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Аммо соҳада қилиниши керак бўлган ишлар ҳали кўп. Президентимиз 2020 йил 14 апрелда қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, бу йил балиқ етиштириши камидан 350 минг тоннага етказиш, сунъий ҳавзалардан фойдаланиш

самарадорлигини ошириб, балиқчилик хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари ташкил қилиш бўйича қатор топшириқлар берди.

— Балиқчилик қадимдан инсонлар учун тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда иқтисодий таъминот манбаи бўлиб келган, — деди суҳбатдошимиз Балиқчилик илмий маркази директори

Дилмурод Шохимардонов. — Балиқ тарихи, асосан, мувозанатлашган оқсил, қопалерас, инсон организм учун зарур протейнлар, микроэлементлар, ёғ ва бошқа истеъмол моддаларига бой бўлиб, рационли овқатланишни ташкил этишда муҳим ўрин тутаяди.

Жаҳонда балиқ маҳсулотлари истеъмоли аҳоли жон бошига ўртача

21 килограммга тўри келади. Бу кўрсаткич узоқ умр кўриш бўйича етакчи ҳисобланган Японияда 60 килограммга боради. Ўзбекистонда эса бир кишининг йиллик балиқ истеъмоли 4-5 килограммни ташкил этади.

Бугун юртимизда балиқчилик соҳаси ривожланмаяпти, деб бўлмайди. Охириги йилларда кўплаб балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. Бозорларимиз балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан етарлича таъминланяпти. Мамлакатимизда 2009 йилда 10 минг тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 200 минг тоннага етди. Бу ишлар бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда. Айни пайтда тармоқни янада ривожлантириш мақсадида соҳага замонавий технологиялар, балиқ етиштиришнинг интенсив усуллари жорий этилмоқда.

— Биламизки, балиқ етиштиришнинг бир қанча усуллари мавжуд. Бугунги кунда уларнинг қай бири самаралироқ ҳисобланади?

— Жаҳонда балиқ етиштиришнинг асосан икки усули — табиий сув ҳавзалари(океан, денгиз, кўл, дарё ва бошқалар)дан балиқ овлаш ва назорат қилинадиган шароитларда балиқ етиштиришга асосланган аквамаданият кенг оммалашган. Аквамаданият ҳам, ўз навбатида, интенсив ва ярим интенсив йўналишларга бўлинади.

Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — халқаро экспертлар нигоҳида

Ўзбекистон халқининг турли хавф ва таҳдидларга қарши курашдаги бирдамлиги таҳсинга лойиқ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар хорижий экспертлар диққат марказида бўлиб турибди. Хусусан, Исроил ижтимоий-сиёсий доира вакиллари мамлакатимизнинг замонавий ривожланишини юксак баҳоламоқда.

Қуддусдаги Яхудиёлар университети-нинг Осиё ва Африка тадқиқотлари институти ўқитувчиси Владимир Месамед Ўзбекистон ривожланишининг 2020 йилдаги асосий устувор жиҳатлари ҳақида, жумладан, бундай деди:

— Ўзбекистонда кўплаб соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Президенти 2020 йилда илм-фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни таъкидлади. Буни мантикий жиҳатдан жуда тўри деб ҳисоблайман. Мамлакат босқичма-босқич янги даражага кўтарилмоқда. 2019 йилда амалга оширилган ислохотлар Фарб иқтисодчиларига Ўзбекистонни "Йил мамлакат"и сифатида эътироф этиш учун асос бўлди.

Ишончли молиялаштирилган дастлабки иқтисодиёт халқаро стандартларга жавоб берадиган кўп босқичли таълим тизимини яратди. Исроил томони Ўзбекистон билан ўз таърибларини бўлишига, шу жумладан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ҳамкорликка тайёр. Ушбу соҳада бизда катта таъриб ва ишланмалар мавжуд.

Исроил юқори технологияли мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикаси учун ҳақиқий таъриб ва салоҳиятли ҳамкорга айланиши мумкин.

Албатта, бугунги кунда барча давлатлар қийин даврни бошдан кечирмоқда. Коронавирус пандемияси яна бир бор дунёимизнинг қанчалик нозиклиги, унда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқлиги, биз шунчаки бир-биримизни ушлаб туришимиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз ва бир-биримиздан ўрганишимиз кераклигини кўрсатди.

Ўзбекистон раҳбарияти ушбу инқирознинг мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли иқтисодий ҳаётига етказадиган таъсирини камайтириш борасида янги ташаббуслар билан чиқаётгани ҳамда самарали кураш олиб бораётганидан мамнунмиз.

Мамлакатда халқаро илгор таъриблар фаол равишда қўлланилмоқда. Бу тушунарли, чунки пандемия глобал ҳодисадир, демак, биз унга қарши биргаликда

курашимиз керак. Бу одатий ҳаётга қайтишни ягона йўлидир.

"Ибн Сино Исроил" жамғармаси президенти, профессор Майкл Сох, ўз навбатида, Ўзбекистонда COVID-19 га қарши курашда иштирок этадиган табиий ҳодимларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни алоҳида таъкидлади.

— Қўриган чоралар ва Ўзбекистонда малакали шифокорлар саъй-ҳаракатлари туфайли коронавирустан даволанганлар сонини касалликка чалинганларга нисбатан кўпайди, — деди у. — Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон бу даврдан тез ва жиддий йўқотишларсиз ўтмоқда. Беморларга тезроқ соғайиб, ўз оилаларига қайтишни тилайман.

Исроилдаги Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари институти директори Александр Зинкер коронавирუს пандемияси даврида Ўзбекистон раҳбариятининг фаолиятини алоҳида қайд этди.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев чет элда ислохотчи сифатида танилган. У Президент этиб сайлангандан бери иқтисодиётни, давлатни ва фуқаролик жамиятини эркинлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Биз республиканинг прагматизмга ва замонавий воқелиқлар ҳамда миллий манфаатларидан келиб чиқиб, янги таълим иқтисодий алоқаларни қандай қурилаётганига гувоҳ бўляймиз.

Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг миллий устуворликларини ҳисобга олган ҳолда, таълим иқтисодий алоқаларни фаол диверсификация қилиш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ стратегияни ишлаб чиқди.

Масалан, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, унинг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш ва аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қарорлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Ўзбек халқининг ўз етакчилиги бўлган самимий ишончи, мамлакатни янада ривожлантириш ва раванқ топтириш йўлида хавфли таҳдидга қарши курашда бирдамлиги таҳсинга лойиқдир.

"Дунё" АА

Тель-Авив.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланғичи 1-бетда

Божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмоқ товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солигини тўлаш мuddатини 2020 йил 1 июлгача кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан берилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йилнинг 1 майдан 1 июлгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналарга (акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилади.

5. Микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари 2020 йил 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топшириқномаларини қақриб олсин.

Микрофирма ва кичик корхоналарга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича икром этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4701-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ресурслари ҳисобидан яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит ажратилиши бўйича ўтказилаётган эксперимент Тошкент шаҳрига татбиқ этилсин.

7. 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 18 май



ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ

самарали ва шаффоф механизмлар асосида назорат қилиниши кўзда тутилмоқда

Вазирлар Маҳкамасида хусусий бандлик агентликларининг фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг мижозлар олдидagi мулкij хавобгарлигини оширишга қаратилган "Хусусий бандлик агентликларининг тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида айрим хусусий бандлик агентликларининг томонидан хоризда иш қидираётган шахсларни алдаш ва уларнинг ишончини суиистеъмоқ қилиш натижасида юртдошларимизга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилгани қайд этилди.

Келгусида бундай қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида хусусий бандлик агентликларининг фаолиятини назорат қилишнинг самарали ва шаффоф механизмлари кўзда тутилмақдани таъкидланди.

Жумладан, қонун лойиҳасида хусусий бандлик агентликларининг хоризда иш қидираётган шахслардан ишга жойлашганлик учун тўловларни олиш тартиби бекор қилиниб, ушбу тўловлар чет эллик иш берувчи ҳисобидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Хусусий бандлик агентликлари томонидан мижозларга қўрсатиладиган хизматлар сифатини назорат қилиб бориш, шу жумладан, келишув шартлари бажарилаётгани мониторингини амалга ошириш ҳамда жараёнда шаффофликни таъминлаш мақсадида хусусий бандлик агентликлари ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилладиган хизмат қўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни "labor-migration" дастурий

нафақа, бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парварши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоизга оширилсин.

8. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан қўйидаги фоиз харажатларини қоплашга компенсация бериш тарзида тадбиркорликни давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилсин:

тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада берилладиган инвестициявий кредитлар бўйича, Жамғарма тўғрисидаги низо талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилишининг биринчи йили давомида;

2020 йил 1 октябрга қадар тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдирish учун миллий валютада 500 миллион сўмгача берилладиган кредитлар бўйича Жамғарма тўғрисидаги низо талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилиш мuddати 10 фоизлик пункт миқдорига;

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил коронавирус пандемияси даврида тақдим этилган имтиёзлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг тўлиқ ва ўз вақтида қўлланилиши устидан мониторинг ўрнатсин ва қонун бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (зарурият бўлганда) солиқ имтиёзлари берилиши ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ошиши натижасида олинмиш қолнадиған даромадлар муносабати билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан субсидиялар ажратсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Бошланғичи 1-бетда

6) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлардан органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги зарурий маълумотларни олиш;

органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташвиш, сақлаш, сотиш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятининг эквивалентлигини баҳолаш ва авторизациялаш тизимини яратиш ҳуқуқи берилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ органик қишлоқ хўжалиги ўтказилган ер участкаларида экинларни жойлаштириш органик стандарт талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ амалга оширилади ва экинларни жойлаштиришда давлат аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбекизоқвақтоҳолдин" ҳолдинг компанияси, Фанлар академияси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини;

"Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК КўРСАТКИЧЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИгини ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

ишлаб чиқаришни ихтиёрий сертификатлашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетига "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш" йўналишида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқсин ва 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу йўналишда талабалар қабул қилишни йўлга қўйсин;

в) Бир ой мuddатда вазирлик тузилмасида белгиланган штатлар доирасида 4 та штат бирлигидан иборат органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин;

д) 2021 йил 1 январга қадар қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот институтларида мавжуд лабораторияларни замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозласин ва бирламчи органик уруғ етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйсин;

е) 2020 йил 31 декабрга қадар Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича кредит маблағлари ҳисобидан "Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази" давлат унитар корхонаси қосида Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ комплекс санолабораторияси мажмуасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда органик маҳсулотларни етиштириш (ишлаб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашга ҳамда органик уруғчиликни

ривожлантиришга йўналтирилган беш йиллик давлат илмий-техник дастурларни ишлаб чиқсин ва лойиҳаларни танловлар асосида шакллантирсин.

6. "Ўзстандарт" агентлиги:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, "Ўзбекизоқвақтоҳолдин" ҳолдинг компанияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Кодекс Алиментариус Комиссияси Стандартлари талабларига мувофиқ Европа Иттифоқи билан савдо фаолиятини жадаллаштириш бўйича 2020-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурларни режаласини ишлаб чиқсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар ISO 28000 "Ўтказиб бериш заنجирда хавфсизликни бошқариш тизимлари" халқаро стандартлари серияларини қабул қилсин;

уч ой мuddатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшимча қиймат заنجирини ташкил этишда иштирок этувчи барча корхона ва ташкилотлар фаолиятларига бажариладиган жараёнларни ISO 28000 "Ўтказиб бериш заنجирда хавфсизликни бошқариш тизимлари" халқаро стандарти

талабларига мувофиқлигини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда органик маҳсулотларни зарарсизлантириш бўйича халқаро тажрибада қўлланиладиган усуллар ва воситалар рўйхатини шакллантирсин ҳамда экспортга йўналтирилаётган органик маҳсулотларни зарарсизлантириш ишларининг халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 18 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ёшлик шижоати

ЮРТ РИВОЖИГА ҚўШИЛАЁТГАН ҚИССА

Бошланғичи 1-бетда

Илгари фақат пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланган фермер хўжалигида айни пайтда паррандачилик, қорвачилик, асаларчилик ҳам йўлга қўйилган. Гулрухсор эса мана шу ишларнинг қайноқ нуқтасида туриб, баҳоли қудрат иштирок этган.

Интилувчан қиз 2018 йили банкдан кичик тадбиркор сифатида имтиёзли кредит олиб, ангор зотли 50та эчки ва 70 та қурка боқа бошлади. Таъкидлаш кераки, бундай эчкиларнинг гўшти билан бирга шифобахш суги ва юнгидан ҳам яхшигина даромад олиш мумкин.

Авалгига қорва ҳамда паррандаларнинг парваришига икки нафар ёш бириктирилди. Айни пайтга келиб, Гулрухсорнинг фермер хўжалигида 274 бош эчки, 49 бош қўй, 196 та қурка боқилляпти. Беш нафар маҳаллий ёш доимий иш билан таъминланган. Бу дегани беш оилага

этиш бўйича зарур қўрсатма ва таъсиялар берди. Шунингдек, видеоселектор шаклида ўтказилган йиғилишда Президентимиз ҳар бир туман вакилларининг орзу-мақсадлари, дарду ташвишлари билан ҳам қизиқди. Шу йиғилишда Гулрухсор Шержонова ҳам сўзга чиқиб, ўз маҳалласида қизларни касб-хунарга йўналтирадиган ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган кўп тармоқли "Қизлар маркази"ни очиш ниятида эканини билдириб, ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича кўмак сўради.

Давлатимиз раҳбари интилувчан қизнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, йиғилишда ҳозир бўлган мутасаддиларга "Қизлар маркази"ни очиш учун Гулрухсор Шержоновага ҳар томонлама кўмаклашиш юзасидан қўрсатмалар берди. Уш куннинг ўзида тегишли ташкилот раҳбарлари Янгибозорга бориб, қорвадор қизнинг лойиҳаси билан ақиндан танишди.

— Туманимизда кўп тармоқли



қандолатчилик, уй ҳамширалиги, косметология, чет тилларни ўргатиш, соғлом турмуш тарзи курси каби йўналишларни ўзида мужассам этди. Унга мураббий сифатида вилоят марказида ва туманимизда фаолият юритаётган етук мутахассислар жалб қилинади. Улар билан

2018 йилдан бунён Хоразм вилояти телерадиокомпаниясида суҳандон бўлиб ишлаяпти. Иқтидорли қиз марказ фаолияти йўлга қўйилган, вилоятнинг чекка туман ва қишлоқларида ҳам унинг филиалларини очиш ниятида.

Ун турдан зиёд дурадгорлик ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган "Massaget servis" кичик корхонаси раҳбари Исроил Қурбонов ҳам изланувчан, шижоатли ёшлардан. Термиш шаҳрида фаолият қўрсатаётган ёш тадбиркор беш нафар фуқарони иш билан таъминлаб, ўртача 1,5-2 миллион сўмдан ортиқ оила берляпти. Машо ўз йўлига, бироқ орттирилган хунар бир умрга қолади. Исроилнинг қабатида юриб, хунар ўрганган ёшларнинг қўли бугун яқка тартибдаги тадбиркор бўлиб, мустақил иш юрляпти.

Ёш хунарманд 2017 йили 9 фоиз устима тўлаш шарти билан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб иш бошлаганди. Ушандан бери яна икки марта кредит олиб, катта қисминини қоплашга эришди.

— Карантин пайтида ишимиз вақтинча тўхтади. Лекин карантин талаблари юмшагач, мана, яна санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиб, ишни давом эттиряпмиз, — дейди Исроил Қурбонов. — Пандемия туфайли ишимиз тўхтагач, даромад ҳам ўзига яраша бўлиб, кредитни тўлаш имкониятимиз камайди. Шундай шароитда кредитни тўлаш мuddатининг узайтирилгани кўнгилмиздаги гап бўлди. Ҳозир фақат фоизини тўласак, бас. Асосий текширувлар мутлақо йўқ. Солиқ юки 5-6 фоиздан 4 фоизга туширилди. Арзимагандек туолган фоизлар ҳам тадбиркор учун катта суммага айланади.

Ёш тадбиркор яратилган имкониятлардан миннатдор. Иккинчи марта банкдан кредит олаётганида гаровга мулк қўйиш масаласида Исроил қийинчиликка дуч келди. Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасига мурожаат қилгач, муаммоси ҳал этилди. Учинчи марта 80 миллион сўм кредит олишга Бош вазирнинг Сурхондарё вилоятидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ақиндан амалий ёрдам берди.

Мамлакатимизда Гулрухсор Шержонова ҳамда Исроил Қурбонов сингари давлатнинг қўмаги ва қўллаб-қувватлови туфайли тадбиркорлик билан шуғулланиб, эртанги кунга ишончи ошаётган ёшлар сафи кенг. Уларнинг тисмолида янги Ўзбекистоннинг бўлғуси саховатпеша, юзлаб иш ўринлари яратадиган йирик сармоядорларини кўраимиз.

Хайридинмурод АБУЛҲАЙЗОВ



қўшимча даромад кириб, хонадон бюджетига хисса бўлиб қўшиляпти. Рўзгорнинг кам-кўстини бекитишга хизмат қилляпти. Энг муҳими, беш навиқрон йигит ишли бўлди.

Давлатимиз раҳбари шу йил 13 март кунини жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан ақиндан танишиш мақсадида Хоразм вилоятига ташриф буюрганда воҳа оқсоқоллари билан мулоқотда бўлди. Ҳудудни ривожлантириш, тараққиётга халал бераётган муаммоларни бартараф

шартнома тузиш ишлари айни пайтда бошланғич босқичда.

Энг қувонарлиси, ҳали марказ фаолияти йўлга қўйилмасданқ, қўлчилик аёл-қизлар мурожаат қилиб хунар ўрганиш истагини билдиряпти. Бу, ўз навбатида, иш билан банд бўлмаган аёл-қизлар учун қулай имкониятдир. Мен шу рўқ фарзанд сифатида ўзимга билдирилган юксак ишончнинг оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Гулрухсор бу йил университетни кредит олишга келишилди. "Қизлар маркази" ўз ичига тикувчилик,

Саноат



ЗАМОНАВИЙ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР балиқчиликда маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатини оширади



Бошланғич 1-бета

Ҳозир мамлакатимиздаги аксарият балиқчилик хўжалиқлари замонавий усуллардан кенг фойдаланмоқда. Айтиш мумкин, мавжуд 3824 та балиқчилик хўжалигидан 240 таси табиий сув ҳавзаларидан балиқ овлаётган бўлса, 3584 таси аллақачон аквамаданият асосида балиқ етиштиришга ўтган.

Ортимизда яқин вақтгача 1970-йилларда жорий қилинган сувий ташкил этиладиган тупроқ ҳавзаларда балиқ етиштириш технологияси кенг қўллаб келинган. Ҳозир ҳам айрим балиқчилик хўжалиқларида фойдаланиладиган ушбу ярим интенсив технология ёрдамида 1 гектар сувий ҳовуз майдонида ўртача 30 центнер балиқ етиштириш мумкин. Аммо у катта микдорда ер ва сув ресурсларини талаб этади.

Балиқ етиштиришнинг дунёда кенг тарқалган интенсив технологиялари эса анча тежамкор бўлиб, улар ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Бунда 1 куб метр сувда 40 кг ва ундан кўпроқ ҳосилдорликка эришиш мумкин.

Интенсив технологияларнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, ҳозир ёпиқ сув таъминоти тизими, бассейнлар, тупроқ ҳовузлиқларда сувни тозалаб, кислород билан бойитиш ва қайта ишлатишга ихтисослашган техникалар олиб келинмоқда. Бунда 1 куб метр сув ҳажмида 40 – 200 кг. балиқ етиштирилади.

Шунингдек, жойлардаги табиий сув ҳавзаларида ўрнатилган кафасларда балиқ етиштириш ҳам кенг йўлга қўйилган. Бу жуда самарали ва интенсив технология бўлиб, табиий ҳавза ҳосилдорлигига таъсир қилмаган ҳолда 1 куб метр сувда 40 кгдан ортиқ балиқ етиштириш таъминлайди. Унинг учун қўшимча ер ва сув ресурслари ҳам талаб қилинмайди.

Айтиш мумкин, мамлакатимизда 800 минг гектардан ортиқ табиий сув ҳавзалари мавжуд бўлиб, 600 минг гектарда балиқчилик билан шуғулланиш имконияти бор. Шундан 305,6 минг гектари ҳозирги кунда 240 та балиқчилик хўжалиғига узок муддатли ижарага берилган. Мавжуд сувий сув ҳавзалари эса 37,9 минг гектарни ташкил этади. Афсуски, уларнинг атиги 0,6 фоизини интенсив балиқчилик йўлга қўйилган.

Шу боис, юртимиз балиқчилик тармоғида интенсив технологияларни жорий этиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Аммо бу борада айрим қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, балиқ етиштиришнинг интенсив усулида юзага келадиган инфратузилма (электр энергияси, газ) ва юқори

мувозанатлаштирилган озукалардан фойдаланиш зарурати маҳсулот таннари ошишига олиб келади. Балиқ озукалари масаласи ҳам интенсив технологияларни кенг жалб этишга халал бермоқда. Гап шундаки, республикадаги омхита еми ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларининг сифати балиқчилик хўжалиқлари талабига жавоб бермайди. Четдан олиб келинадиган озукалар эса кўпчилик учун қимматлик қилади.

Балиқларнинг насл сифатини яхшилаш, интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда интенсив усулда балиқ етиштиришнинг ҳар бир йўналишида самарали тизимни яратиш зарурати ҳам мавжуд. Ушбу масалалар ечими бўйича сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришга кенг йўл очмоқда.

— Мамлакатимизда, асосан, қандай турдаги балиқлар етиштирилади ва маҳаллий бозорда қайси турларга талаб юқори?

— Ҳозир балиқчилик хўжалиқларида балиқнинг кўплаб турлари, жумладан, карп (сазан), оқ ва чипор дўнгпешона, оқ амур, африка лаққаси, хонбалиқ (форель), бакрабалиқ (осётро) ва ласосъ етиштирилади. Буларга қўшимча тарзда табиий сув ҳавзаларидан оқсала (судак), лешч, вобла, товонбалиқ (карась), илонбош, маҳаллий лаққа овланади. Сўнгги вақтларда аҳолининг балиқ маҳсулотларига қизиқиши ортиб бораётгани боис, бозорларда барча балиқ турлари, айниқса, карп (сазан), оқ амур, хонбалиқ, оқсала, маҳаллий лаққага талаб юқори.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, мамлакатимизга йилга 1,5-2 минг тонна атрофида балиқ маҳсулотлари ҳам импорт қилинади. Булар, асосан, балиқ консервалари, филе, тозалаш музлатилган қимматбаҳо денгиз балиқлари ва денгиз жониворлари (криветка, киксич-бақалар...), д.р.

Ортимизда балиқ етиштириш кўрсаткичи ортиб бораётгани ҳисобига экспорт ҳажми ҳам кенгаймоқда. Йилга 1000 тоннадан ортиқ Африка лаққаси, хонбалиқ, оқсала турли мамлакатларга қисман экспорт қилинмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда нафақат балиқ етиштириш, балки уни сақлаш ва қайта ишлашга

ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Худудларда жаҳон талаблари асосида балиқни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Балиқчилик соҳасида ҳам бошқа соҳалардаги каби кластер тизими жорий этилди. Ҳозир 10 дан ортиқ балиқчилик хўжалиги ўз фаолиятини ушбу тизим асосида йўлга қўйган. Айтиш мумкин, республикада етиштирилган балиқнинг атиги 5–7 фоизи қайта ишланади. Бу эса етарли кўрсаткич эмас. Кластерлаштириш тизими ана шу муаммони босқичма-босқич ҳал этишга хизмат қилади.

— Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, балиққа бўлган талаби ортиб бормоқда. Табиийки, бу жараёнда айрим балиқ турларини хориддан олиб келиб етиштиришни йўлга қўйиш ва янги турдаги балиқларни яратиш устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурати юзага келади.

— Мамлакатимиз кескин ўзгарувчан иқлим шароитига эга бўлгани боис, ёз ойларида ҳаво ҳарорати 45 даражадан ошиши, қишда 20 даражадан тушиб кетиши мумкин. Аксарият балиқ турлари эса илқ ёки совуқ сувларда яшашга мослашган бўлади. Шу сабабли чет давлатлардан олиб келиб етиштириш мумкин бўлган балиқ турлари чегараланган. Охириги йилларда юртимиз иқлим шароитига мослаша оладиган Африка лаққаси, хонбалиқ бакрабалиқ ва ласосни маҳаллий шароитда етиштириш йўлга қўйилди. Ҳозир уларга қўшимча тарзда тилапия балигини ҳам кўпайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилляпти. Шунингдек, келгусида аввал маҳаллий бўлган, ҳозир қирилиб кетган Туркистон мўйловдори ва Амударё куракбуруни каби турларни кўпайтириш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб бориляпти.


Афсуски, шу вақтга қадар балиқчилик тармоғида етарлича илмий тадқиқот ишлари қилинмади. Бу соҳадаги энг катта камчиликларимиздан бири бўлиб, эндиликда мазкур бўшлиқни тўлдирishга катта куч ва маблағ сарфланяпти. Хусусан, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти қайта ташкил этилиб, унинг базисини ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинляпти.

Соҳада мутахассислар, малакали кадрларни тайёрлашга ҳам эътибор ошган. Сўнгги йилларда Тошкент давлат аграр университетига балиқчилик йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш кенг йўлга қўйилиб, 2018 йили университет базисида "Ипотек банк" таъсисчилигида балиқчилик илмий маркази ташкил этилди. Айтиш мумкин, ушбу марказ базисини ривожлантирилиб, унда балиқчилик соҳаси бўйича фан, таълим ва ишлаб чиқариш уйғун ҳолда олиб бориладиган.

Аҳолини арзон ҳамда сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида юртимизда мавжуд сувий сув ҳавзаларида интенсив технологияларни кенг жорий қилиш ва уларга имтиёзли кредит ресурсларини жалб қилиш ишлари авжида. Хитойдан келтирилган интенсив усулда балиқ етиштириш технология жижозларини бир гектар сувий сув ҳавзасига ўрнатиш ҳисобига 90 тоннагача балиқ етиштириш қўзғалаяпти. Бу каби илгор технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ва замонавий хўжалиқларни ташкил этиш орқали мамлакатимизда кенг турдаги сифатли ва экспортбўй балиқ маҳсулотларини етиштириш ҳамда улар билан аҳоли дастурхонини таъминлашни мақсад қилганмиз.

"Янги Ўзбекистон" мухбири
Ирода ТОШМАТОВА сўхбатлашди.

Янгилик



Ўзбекистонлик олимлар SARS-CoV-2 коронавирусини ШТАММЛАРИ ГЕНИНИ АНИҚЛАДИ

Рисолат МАДИЕВА

Инновацион ривожланиш вазирилик хузуридаги Илгор технологиялар маркази олимлари Ўзбекистондаги беморларда аниқланган SARS-CoV-2 коронавирусини бир неча штаммларининг ДНК кетма-кетлигини аниқлади.



— Генотип таҳлили (генотиплаш) SARS-CoV-2 геномининг асосий қисмидаги мутацияларни аниқлаш учун муҳим воситадир, — дейди Илгор технологиялар маркази директори ўринбосари Алишер Абдуллаев. — Коронавирус ўзининг таркибий оқсилларни кодлайдиган генларга эга. Ушбу оқсиллар келажакда вакциналарнинг потенциал нишонига айланади. Уларнинг ўзгаришига олиб келадиган вирусни РНК генларининг нуклеотидлар кетма-кетлигидаги ҳар қандай ўзгаришларни вакцина ишлаб чиқишдан аввал аниқлаб олиш жуда муҳим. Бундан ташқари, муайян бир турдаги мутацияга учраган штамм кўпроқ тарқалган баъзи мамлакатларда глобал вакцинанинг самарадорлигини баҳолаш учун генотиплаш маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам Илгор технологиялар маркази олимлари томонидан тизимли генларнинг таҳлил қилиниши ўта муҳим саналади.

Олимларимиз биринчи босқичда SARS-CoV-2 коронавирусининг муҳим таркибий гени бўлмиш N генининг нуклеотид кетма-кетлигини аниқлади. Дастлабки

таҳлил шуни кўрсатдики, нуклеотидлар позицияларидаги генлар кетма-кетлиги Уҳанда аниқланган коронавирус штаммининг референт геномидан фарқ қилади. Маълумотларнинг қийсид таҳлили эса SARS-CoV-2 коронавирусининг ушбу турдаги мутацияга эга штаммлари Европада кўпроқ учрашини кўрсатди.

Шифрланган нуклеотидлар кетма-кетлиги тўғрисидаги маълумотлар халқаро маълумотлар базиси — Миллий биотехнологик ахборот марказига (NCBI) жойлаштирилган. Унда дунё мамлакатларидаги турли организмлар тўғрисидаги маълумотлар илмий жамоатчилик учун очик тарзда сақланади. Келгусида Илгор технологиялар марказининг олимлари вирус юқирган беморлардан тўпланган катта миқдордаги биологик материалларни таҳлил қилишни режалаштирмоқда. Мазкур таҳлил ва унинг натижалари Ўзбекистонда коронавирус штаммларининг тарқалиш даражаси, мазкур штаммларнинг касалликка чалинтириш ва ўлим ҳолатига олиб келиш хусусиятлари ва патогенлиги тўғрисида маълумотларни тўплаш имконини беради.

Инновация

ГИБРИД ЭНЕРГИЯ МАНБАИ лалми ва яйлов ерларни сув билан таъминлайди



Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Қишлоқ хўжалиғида замонавий технологияларни қўллаш самарадорлигини бир неча баробар ошириш тажрибада ўз тасдиғини топмоқда. Давергеодезкадастр қўмитаси ҳам айтиш пайтда "Гибрид турдаги муқобил энергия манбаи" модули асосида яратилган ана шундай замонавий инновацион технологияни Жиззах вилояти Фориш туманида синовдан ўтказмоқда.

Лалми ва яйловли худудларда ерости сувларидан фойдаланган ҳолда томчилик сўғоришни жорий қилишга мўлжалланган маъмур технология янги интенсив бог ва тоқорлар барпо этиш, мавжуд ерлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

— Ўзбекистонда яйлов ерлар жами 21 миллион 15 минг 786 гектарни ташкил этади, — дейди Давергеодезкадастр

қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Нейматжон Отамуродов. — Бироқ бу ерларда тўлиқ сув чиқаришнинг имкони йўқлиги боис, аксарият қисмидан қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштиришда фойдаланилмайди. Лалми ва яйлов ерлардан факат ерости сувларини чиқариш орқали экин парварилаш мумкин. Аммо бунда яна бир муаммо юзага келади. Яъни ерости сувларини насос орқали чиқариш

учун электр энергияси керак бўлади. Аксига олиб, электр тармоғи барча лалми ва яйлов ер майдонларига етиб бормаган, уни тортиб бориш харажатлари деҳқон ва фермерлар учун қимматлик қилади. Биз таклиф этаётган технология эса ана шу муаммоларга ечим бўлади.

Қурилма ерости сувларидан фойдаланган ҳолда экинларни узлуксиз томчилик сўғоришни таъминлайди. Гибрид турдаги муқобил энергия манбаи қуёш панели ва шамол генераторидан иборат бўлиб, 1 суткада 16-18 соат электр токи ишлаб чиқариш имкониятига эга. Қуёш ва шамол бўлмаган вақтда эса бу вазифа қурилмага ўрнатилган маъмур аккумуляторда тўпланган энергия ёрдамида бажарилади.

Қуёш батареясининг қўлайлиги шундан иборатки, у электр таъминоти етиб бормаган худудлардаги 35 гектар ер майдонини сўғора олади. Агар ундан кенг кўламли фойдаланилса, 70 гектаргача ерни сўғориш мумкин.

Доимий тарзда сув муаммоси кузатиладиган Фориш туманида авваллари 1 та қудуқ суви билан 5 гектар майдон 5-10 кунда сўғорилган бўлса, ҳозир ушбу қурилма ёрдамида 1 кунда 35 гектар майдон сўғорилмоқда.

Мутахассислар яқин йилларда мазкур самарали технологияни республикадаги барча лалми ва яйлов ерларда қўллашни, қурилмани ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни мақсад қилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС билан КАСАЛЛАНГАН ва СОҒАЙГАНЛАР БҲЙИЧА МАЪЛУМОТ



Мамлакатимизда бугунгига ўзида 67 нафар бемор коронавирус инфекциясидан фориқ бўлиб, соғайганлар сони 2314 нафарга етди. Даволаниш кўрсаткичи эса 82 фоизни ташкил қилмоқда.

Худудлар номи	Касаллик аниқланганлар	Соғайганлар сони ва фоизи	Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	124	112 90%	
Андижон вилояти	175	163 93%	
Бухоро вилояти	442	440 99%	
Жиззах вилояти	3	3 100%	
Қашқадарё вилояти	6	6 100%	
Навоий вилояти	29	2 7%	
Наманган вилояти	253	214 85%	4
Самарқанд вилояти	275	175 64%	1
Сирдарё вилояти	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилган.		
Сурхондарё вилояти	44	42 95%	1
Фарғона вилояти	158	157 100%	1
Хоразм вилояти	233	228 98%	
Тошкент шаҳри	1049	772 74%	6

Илм-фан

СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАР БЕШИГИ



Давлатимиз раҳбарининг шу йил 31 январь куни олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш вакиллари ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан учрашувида соҳадаги долзарб масалалар ечими, илмий-тадқиқотлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги илмий муассаса ва йўналишларни ташкил этиш хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти директори, биология фанлари доктори, профессор Кахрамон Давронов билан суҳбатимиз айна шу вазифалар ижроси, микробиология фанининг бугунги ривожини хусусида бўлди.

Ҳар бир одамнинг овқат ҳазм қилиш тизимида 17 оила, 50 туркум ва 400-500 дан ортқ турга мансуб 50 триллиондан кўпроқ бактерия симбиозда яшайди. Ҳар бир инсоннинг ичагидаги бактерияларнинг умумий оғирлиги 3-5 килограмми ташкил қилади. Ҳар бир бактерия ҳужайрасининг оғирлиги эса 10-19 грамм. Одам организмидеги бактерияларнинг аниқ таркиби унинг овқатланиш маданияти билан боғлиқ. Замонавий адабиётларда "Инсоннинг ошқозон-ичак тизимида яшовчи бактерияларнинг таркиби инсоннинг ҳулқ-атвориини белгилайди", деган фикрлар ҳам бор.

Микроблар тез кўпаяди, муайян шароитга мослашувчанлиги ўта юқори. Энг қизиғи, озиқланиш учун ўзидан ферментлар чиқаради ва улар ёрдамида атрофидаги қийин парчаланадиган моддаларни, масалан, ҳар йили қайта тикланадиган целлюлоза сакловчи биомассани парчалаб, ўзига озуқа тайёрлайди. Биотехнолог олимлар эса микроорганизмларнинг бундай хусусиятидан инсон фаолияти учун зарур бўлган моддалар ишлаб чиқаришда фойдаланади. Масалан, бир тонна бугдой сомонидан 7-9 килограмм шаккар олиш мумкин. Бунинг устига, микробларнинг ривожланиши мавсумга боғлиқ эмас, улар кўзда ҳам, қишда ҳам, баҳорда ҳам, ёзда ҳам ривожланаверади. Уларни кўпайтириш учун махсус ускуна ҳамда мақсаддан келиб чиққан ҳолда озуқа муҳити керак, ҳолок. Микроб иштирокидаги жараёни бошқариш орқали улардан дори воситалари, витаминлар, ферментлар, муқобили йўқ аминокислоталар ва бошқаларни олиш мумкин.

— Сиз раҳбарлик қилаётган Микробиология институти Марказий Осиё мамлакатлари орасида шу соҳада фаолият юритадиган энг нуфузли муассаса ҳисобланади. Унинг илмий йўналишлари ва янги Ўзбекистон иқтисодиётига қўшадиган ҳиссаси нималардан иборат?

— Институтдаги саккизта илмий лабораторияда қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, саноат микробиологияси йўналишларида фаолият юритилади. Марказий лабораториялардан бири — бу микроорганизмлар коллекцияси лабораторияси бўлиб, унда 3000 га яқин микроб штамми (бир туркум ва бир турга мансуб бўлган, ammo баъзи хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладиган микроб турлари) сақланади. Бу штаммлар, асосан, мамлакатимизнинг турли иқлим шароитидаги туپроқ ва сувлардан, муайян шароитда ўсувчи ўсимликлардан ажратиб олинган. Улар орасида бошқа мамлакатлардан келтирилган штаммлар ҳам бор.

Институтимизда Орол сувидан бўшаган туپроқлардан, уларда ўсадиган ўсимликлар ва шўрланган сувнинг ўзидан шўрга чидамли микроорганизмлар ажратиб олиниб, уларнинг хусусиятларини батафсил ўрганиш асосида Орол туби майдонларида яшил ўрмонлар ташкил қилишга ёрдам бера оладиган биопрепаратлар яратиш устида изланишлар олиб бориляпти.

Асосан, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, озиқ-овқат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фойда келтирадиган микроб биотехнологияларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида тизимли тадқиқотлар олиб бориляпти.

Албатта, ҳар қандай технологияни чуқур, фундаментал илмий изланишларсиз яратиш имконияти бўлмайди. Шунинг эътиборига олган ҳолда, ҳар бир микроб

штамми билан ишлаганда унинг метаболитлари синтез бўлишини ҳар хил омиллар таъсирида бошқариш, зарур бўлганда керакли метаболитни ҳужайра ичида қолдириш ёки ҳужайрадан ташқарига чиқаришни бошқариш устида кўплаб тажрибалар ўтказилади. Шундан кейингина штаммининг қанчалик даражада рақобатбардош экани белгилаб олинади. Шу асосда технология яратишга киришилади.

Институтимизда мамлакатимизнинг турли агроэкологик шароитига мос келадиган ўндан ортқ микроб биопрепаратлари яратилган. Улар патентлар билан ҳимоя қилиниб, қишлоқ ҳўжалиги амалиётига жорий қилинмоқда. "Фостим" ва "Ризокон" серияли биоуйтлар, "Микроустиргин" биопрепарати ва "Трихостим" номли ачитки шулар жумласидандир.

Бу ишланмаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун "Green Bio Tech" қўшма корхонаси ва "Global Eco Tech" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Институтда стартап дастури асосида "Микрозим" серияли биопрепаратларни ишлаб чиқариш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан маблағ ажратилган. Бу микробли препаратни ишлаб чиқариш линияси тузилиб, айна пайтда фаолиятга йўлга қўйилган.

"Ором биопрепарат" кичик корхонаси ва унда ишлаб чиқариладиган "Лактобактерин", "Бифидумбактерин", "Колибактерин" ва "Ором" биопрепаратларини ишлаб чиқариш технологияси институтда яратилган, патентланган ва бугунги кунда мамлакатимиз дорихоналарида ошқозон-ичак фаолиятини тўғри йўлга қўйиш препаратлар сифатида сотувга чиқарилмоқда.

Институтда мамлакатимизнинг шимолӣ худудлари — Хоразм вилояти ва

"Ором биопрепарат" кичик корхонаси ва унда ишлаб чиқариладиган "ЛАКТОБАКТЕРИН", "БИФИДУМБАКТЕРИН", "КОЛИБАКТЕРИН" ва "ОРОМ" биопрепаратларини ишлаб чиқариш технологияси институтда яратилган, патентланган ва бугунги кунда мамлакатимиз дорихоналарида ошқозон-ичак фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ПРЕПАРАТЛАР СИФАТИДА СОТУВГА ЧИҚАРИЛМОҚДА.



Қорақалпоғистон Республикаси шўрланган туپроқларининг унмдорлигини ошириш хусусиятига эга бўлган "Ер малҳами", "Бист" ва бошқа кўп компонентли ҳамда кўп функционал препаратлар яратилиб, Республика интеллектуал мулк агентлиги патентлари билан ҳимояланган. Бу препаратлар "Био-ўғит" КТИЧК билан лицензиявий шартнома асосида катта миқдорда ишлаб чиқарилмоқда ва мамлакатимизнинг ўнлаб туманларида кенг миқёсда ишлатилмоқда.

— Институтда фармацевтика соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Институтимизда Тошкент фармацевтика институтининг микробиология кафедраси филиали ташкил қилинган. Унда соҳа учун кадрлар тайёрлашга ёрдамлаши билан бир қаторда фармацевтик таъсирга эга бўлган микробли препаратлар яратиш устида ҳам изланишлар олиб бориляпти. Дастлабки ютуқларга ҳам эришилди. Масалан, ошқозон-ичак тизимида яра ҳосил қилувчи Helicobacter pylori (касаллик)га қарши таъсир кўрсатувчи "Лактопрополис", қон таркибидеги қанд миқдорини пайсантириш хусусиятига эга "Атерис" каби доривор моддаларни тайёрлаш бўйича керакли ҳужжатлар тайёрланиб, тажриба нусхалари олинган ва синовларга берилган.

Мамлакатимизда дори-дармонга, яъни фармацевтика, косметика соҳасига катта эътибор ва ишонч билан қаралмоқда. Шу муносабат билан доривор ўсимликларнинг плантацияларини яратиш, йўқолиб бораётган доривор ўсимликлар турларини қайта тиклашга алоҳида эътибор берилляпти. Бу соҳада микробиология фани, хусусан, институтимизнинг ҳам ўзи бўлиши керак. Биринчидан, микроблар асосида тайёрланган биоуйтлар ўсимликларнинг соғлом ўсишини таъминлайди. Иккинчидан, ҳар қандай ўсимлик турли микроорганизмлар билан ҳамжиҳат (бу фан тилида мутуализм деб аталади) ўсади ва ривожланади. Ҳар қандай ўсимликнинг илдиз тизими (ризосфераси) махсус таркибга эга бўлган ризобактериялар билан, ер усти қисми эпифит бактериялар билан, ички қисми эса эндифит микроорганизмлари билан симбиозда ҳаёт кечиради. Бундай микроорганизмлар ўсимликларга дўст бўлса, у соғлом ривожланади, иммунитетини ошади ва инсон учун керакли маҳсулотни етказиб бера олади.

Агар бу микроорганизмлар орасида душманлари кўпроқ бўлса, ўсимлик касалланади. Керакли ҳосилни бермай, ҳатто нобуд бўлиши мумкин. Яқин келажакдаги вазифаларимиздан бири, доривор ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши учун ёрдам берадиган, ўсимликлар учун дўст бўлган микроорганизмларни ажратиш, уларнинг ўсиб, ривожланиши ва биомасса тўплаш шароитларини ҳамда "доривор ўсимлик — туپроқ — микроорганизм" тизимидаги фаолиятини бошқариш орқали самарали биопрепаратлар яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлиши керак. Эндифит микроорганизмларда ўсимликларга хос бўлган хусусиятларини батафсил ўрганиш ва улар асосида ўсимликлардан олинадиган доривор ёки биологик фаол моддаларни эндифит микроблар асосида йўлга қўйиш борасида илмий изланиш олиб бориляпти. Бундай тадқиқотлар "Қизил китоб"га киритилган ва нобў ўсимликлардан инсон фаолияти учун зарур бўлган моддалар ажратиб олиш ҳамда улардан фойдаланиш имконини беради.

Булардан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган ишланмалар, нефть-газ, умуман, ёнилғиларнинг янги турларини яратишдан бошлаб, чарчаган қудуқлардан қўшимча нефть ва газ олишни йўлга қўйиш бўйича "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти билан "Йўл харитаси" тузганмиз. Яқин келажакда бу соҳани янада ривожлантираимиз.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

Бугуннинг гапи

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН

Беҳзод ХУДОЙБЕРГЕНОВ,
Тошкент давлат юридик университети докторанти

Ишбилармон бозорининг касод бўлиши ҳар доим салбий ҳодиса сифатида баҳоланган. Чунки корхонанинг инқирозга учраши натижасида тадбиркорлик фаолияти тўхтади. Ходимлар ишсиз қолади. Шунингдек, қарздорнинг мол-мулки йўқлигини кредиторлар талаблари қаноатлантирилмайди ва мажбурий тўловлар ундирилмайди.

Ҳозирги кунда коронавирус пандемияси натижасида кўплаб давлатларда кичик тадбиркорлик субъектларидан тортиб, нуфузли компанияларга таъсир қилишга ҳолати кузатилмоқда. Жумладан, хорижий мамлакатларда биринчи йirik банкротлик расман Японияда шу йил 25 февраль куни эълон қилинди. Фужимисо мехмонхонаси хитойлик туристлар томонидан банд қилинган хоналарнинг бўшатилиши оқибатида ўзини банкрот деб эълон қилишга мажбур бўлди. Австралияда эса авиаташув хизматининг 31 фози тегишли бўлган, салоҳияти бўйича мамлакатда иккинчи ўринда турувчи "Virgin Australia" авиакомпанияси пандемия таъсирида инқирозга учраганини тан олди. Тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув жорий этилди. Бундан олдин "Air Mauritius" ва "Norwegian Air"нинг тўртта филиали банкрот бўлди. "British Airways" авиакомпанияси эса таназзулнинг олдини олиш учун 36 минг ходимини ишдан бўшатишни маълум қилган. Германиядаги 13 та футбол клубида банкротлик аломати мавжудлиги таъкидланди. Уларнинг асосий қарз бериувчлари телеэширтиришлар узатиш билан

нарх-навоининг барқарор сақланиб туришида намоён бўлмоқда. Шу ўринда пандемиянинг маҳсулотга бўлган талаб ва таклифларга, рақобат курашига таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай шароитда нафақат юқори фойда кўрувчи, балки тўловга қурб етмайдиган ишбилармонлар ҳам пайдо бўлиши табиий. Карантин даврида юз берган қарздорлик фавқулодда ҳолатларда вужудга келган, деб ҳисобланади ва қарздорга бурчини ўташ учун имтиёзлар берилди.

Президентимизнинг шу йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида биноан, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш ва уларни банкрот деб эълон қилишга 2020 йил 13 та футбол клубида банкротлик аломати мавжудлиги таъкидланди. Уларнинг асосий қарз бериувчлари телеэширтиришлар узатиш билан



2020 йил 1 октябргача бўлган муддатда мораторий жорий этилади. Тўловга қобилиятсиз тадбиркорлар мана шу муддат оралиғида банкрот бўлмайди ва давлат реестридан чиқарилмайди.

шуғулланувчилардир. Швецияда мехмонхона ва ресторан бизнесининг банкротлиги рекорд даражага етди.

Россия Федерациясида эса коронавирус пандемияси оқибатида олти ойгача корхоналарни банкрот деб топишга мораторий эълон қилинди. Имтиёз барча тадбиркорлик субъектларига берилмай, ҳукумат қарорига мувофиқ, пандемия даврида зарар кўраётган ва инқироз ҳолати вужудга келиши мумкин бўлган соҳалар рўйхати шакллантирилди. У, асосан, фаолияти мижозларга боғлиқ бўлган тадбиркорлик йўналишларини қамраб олади. Авиакомпаниялар, музейлар, туристик фирмалар, мехмонхоналар шулар жумласидандир. Мораторийга тушган компания ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг сони 1,3 миллионни ташкил этади.

Кўп давлатларда тадбиркорларга банкротликнинг олдини олиш, қарздорликни кечиктиришга доир имтиёзлар тақдим қилинмаган бўлса, айримларида алоҳида тоифадаги тадбиркорларгагина энгиллик берилган.

Мамлакатимизда карантин даври тадбиркорнинг фаолиятини фақат иқтисодий манфаатдорликдан иборат бўлмаслигини, маҳсулот фойдасида олиш учунгина ишлаб чиқариш маслиҳатини кўрсатди. Ушбу ҳолат тадбиркорлар томонидан амалга оширилган хайрия ишлари,

давлат реестридан чиқарилмайди. Кредиторнинг ўз талабларини ундириш учун қарздорни банкрот деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қила олмаслиги қарздорнинг олдини ҳолатини қайта тиклашга имконият беради.

Бозор шароитида самарали фаолият юритишнинг асосий шартини бўлган барча тадбиркорлик фаолияти субъектларига иштирок этидиган рақобат курашида қайсидир корхона тўловга лавқасизлиги туфайли банкрот деб топилади ёки реабилитация қилинади. Бугунги шароитда қарздорнинг банкрот бўлишдан кўра, уни сақлаб қолиш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдали. Чунки корхоналарнинг реабилитация қилиниши натижасида, биринчидан, унинг олдинги мавқеи тикланади. Иккинчидан, давлат иқтисодиётида рақобат муҳити ҳукм суради. Учинчидан эса фуқароларнинг иш билан бандлик даражаси ошади. Банкрот деб топишга доир жорий этилган мораторий корхоналарнинг реабилитацияси энгил кечиши учун шарт-шароит яратди.

Шу маънода, давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиётининг нозик тартиб-таомилларига асосланганини қўриш мумкин.

Эҳтиром

“МАТОНАТ МАДҲИЯСИ” БИЛАН ЯРАТИЛГАН “МАНГУ ЖАСОРАТ”



Лойихага киришишдан аввал Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган жасоратли аёл Зулфия Зокирова ҳақида ёзилган мақолаларни диққат билан ўқиб чиқдим.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам Президентимиз Олмазор туманидаги генерал Собир Раҳимов ҳайкали ўрнатилган хиёбонда бўлиб, Ғалаба боғи курилиши бўйича топшириқлар берган эди. Шундан сўнг ушбу топшириқ асосида боғ концепцияси ишлаб чиқилди. Ғалаба боғида ўрнатилган ёдгорлик мажмуаларини яратиш бўйича белгиланган мuddатларда ижодий танловлар ўтказилиб, муаллиф ва ижрочилар аниқланди.

ҳам менга катта куч-қувват бағишлади. Зулфия ая Зокированинг қариндошлари — Раҳимжон Аҳмаджонов, Фарҳод Маҳаммаджонов, Маърифат Аҳмаджонова, Саннат Маҳмудова, Мавлуда Холматованинг ая ҳақидаги хотираларини ҳам диққат билан тингладим. Улар қиёфасидаги қайси бир чизгилардан иш жараёнида фойдаландим. Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳаммадҷон, Ваҳобжон ва Юсуфжон каби азамат йигитларнинг йўлига интизор боқиб ўтган бу муҳтарам аёлнинг ҳайкалини шунчаки ишлаб бўлмайдими, ахир. Келинларининг айтишича, ая кечалари ҳовлини кезиб, ўғилларининг исмларини айтиб қақирар ва ҳеч кимга эшиттирмай йўллар экан. Шу биргина ҳолатнинг ўзи инсон қалбини ларзага солмайдими?!

Айтиш жоизки, шу улкан майдонда қисқа муддатда жуда катта ҳажмдаги курилиш ва обдонлаштириш ишлари амалга оширилди. Пухта ишланган лойиҳалар асосида Ғалаба боғи, “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” монументлари бунёд этилди. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлиги, фронт ортдаги машаққатли меҳнати ва фидойилигидан ҳикоя қилувчи кенг қўламли тарихий-бадий экспозициялар яратилди.

Мана, бугун барчамиз кутган кўркам ва муаззам боғ бунёд этилди. Юртдошларимиз уруш йилларида халқимиз кўрсатган беқийс қаҳрамонлиқни улуғлайдиган, ўзида она Ватан тилосини мужжасам этган “Матонат мадҳияси” монументи пойига гулчамбар қўйиб, фидойи элдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирмоқда. Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортда кўрсатган матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, юксак садоқат руҳида камол топтириш мақсадида амалга оширилган бу эзгу иш барчамизнинг кўнглимизни равшан қилди.

бетакрор мажмуани бунёд этишда ўз хиссамини қўшганимдан ниҳоятда бахтиёрман, — дейди “Матонат мадҳияси” монументи лойиҳаси муаллифи, ёш ҳайкалтарош Баҳром Норбоев. — Лойиҳага киришишдан аввал Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган жасоратли аёл Зулфия Зокирова ҳақида ёзилган мақолаларни диққат билан ўқиб чиқдим. Аянинг фазилатлари ва одатлари билан танишар эканман, ўзбек оналарининг барчаси бир-бирига жуда ўхшаш эканини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Олти ой давомида кўз ўнгимдан ўзим билган моголарим, буви-ларим ва онамнинг сиймоси кетмади. Устозим Азамат Хотамовнинг иш жараёнидаги маслаҳатлари ва далдаси

Санъат

АНЪАНАЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ШАРАФ

Анвар МАМАЖОНОВ, Ўзбекистон Бадий академияси академиги

Давлатимиз раҳбари шу йил 21 апрель кунини имзолаган “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга кўра, Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби П.Беньков номинини қайтарилгани нафақат шу мактабда ёш авлодни тарбиялаётган устозларни, балки кўп сонли ижодкорларни ҳам хушнуд этди.



Дарҳақиқат, бир асрлик шонли тарихга эга рассомлик мактаби Марказий Осиёда тасвирий ва амалий санъат бешиги вазифасини ўтаб келди. Шу сабаб минтақамиз мамлакатларининг қарийб барча тасвирий ва амалий санъат усталари, рассомлари ижоди бевоқиф мазкур билим юрти билан узвий боғлиқ. Ўзбекистоннинг ХХ аср тасвирий санъати ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган Александр Вольков, Зинаида Ковалевская, Надежда Кашина, Николай Карахан, Абдулҳақ Абдуллаев, Малик Набиев, Луффулла Абдуллаев, Рашид Тимуров, Раҳим Аҳмедов, Эдуард Қаландаров, Рузи Чориев, Неймат Қўзибоев, Зокир Иноғомов, Қутлуг Башаров, Шухрат Абдурашидов, Тельман Муҳаммадов ва давримизнинг Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Акмал Нуриддинов, Ғофур Қодиров сингари кўпгина забардаст рассомлари, санъат арбобларининг

ижодий таржимаи ҳоли айнан мазкур ижод мактабига бориб тақалади. Билим юртида турли даврларда соҳа жонқуярлари — Уста Ширин Муродов, Т.Арслонқулов, Й.Рауфов, Ж.Ҳакимов, М.Қосимов, Т.Тўхтақужаев, М.Раҳимов, В.Рифтин, Ч.Аҳмадов, А.Абдуллаев, Т.Татевосян, В.Жмакин, Н.Қўзибоев каби мўйқалам усталари талабаларга сабоқ берган.

Устоз рассом Павел Беньков ижодий фаолиятининг асар қисмини Ўзбекистонга бағишлади. Юртимизнинг кўна ва навқирон шахарлари — Самарқанд, Бухоро, Хивада ижод қилди, ўзининг ҳаётбахш асарларида диёримизнинг гўзаллигини, ўзгача жозибасини самимий тараннум этди. Уздан юксак бадий қийматга эга асарларни мерос

қолдирди. Қолаверса, ўз ижоди билан кўпгина ижодкорлар қалбига диёримизга хос меҳр ва фидоикорлик туйғуларини сингдирди. Оддий шариқта ижод қилиб, илҳом борича иқтидорли ёшларни кўлаб-қувватлади, уларга гўзалликни илғай олиши, ҳис этиши ўргатди, юксак эстетик дидни тарбиялаш мақсадида чекинмади ва сўнгги нафасига қадар касбига, бурчига содиқ қолди.

Мана, юз йилдан ошдики, жаҳоннинг таниқли соҳа намояндалари рассомлик мактабимизни Павел Беньков номи билан танийди. Шундай экан, шонли ўтмишга эга мактабимиз номисиз ёки бошқа номда аталиши оддий ҳақиқатдан ийроқ бўлар эди, деган фикрдаман.

Бугунги кун нуқтаи назаридан сўз юритадиган бўлсак, юртимизда миллий тасвирий санъатимизга бўлган юксак эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар натижасида ёш истеъдод эгалари жаҳон санъат майдонига ижодий салоҳиятини муносиб равишда намоян қилмоқда. Улар орасида айнан П.Беньков номидаги мактаб ўқувчиларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимизда нафақат миллий бадий анъаналарнинг ўзига хослиги сақлаб қелинаётгани, балки авлодлар томонидан муносиб давом эттирилаётгани айни ҳақиқатдир. Бу борада мактабимизни етук мутахассис кадрлар тайёрловчи бебаҳо маскан, дейишга асосимиз бор. Бу ерда тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, дизайн йўналишларида таҳсил олиб, ҳаётга учирма бўлган малакали мутахассислар бадий таълим тизими фаолияти самарадорлигининг амалдаги ёрқин ифодаси, қолаверса, миллий бойлигимиздир.

Комил ишонч билан айтганимиз, бу ўқув даргоҳи келгусида ҳам ўзининг эзгу анъаналарини шараф билан давом эттиради.

Музейлар — тарих кўзгуси

ИМПЕРАТОРДАН ОРДЕН ОЛГАН ЖАЛИЛ ОТА

Отабек НАСИМОВ, Яққасарой туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари

Тошкент шахрининг Яққасарой туманида истиқомат қилувчи 76 ёшли Жалил ота Султоновнинг уй-музейида мингдан ортққ ноёб ва нодир экспонат мавжуд.



Ўзбекистонда яшаган япон фуқароларига бағишланган хотира музейи 1998 йилда ташкил этилган. Музей директори Жалил Султонов уни ўз шахсий маблағлари ҳисобига очган ва ҳозирга қадар Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистонга келиб қолган япон асирлари фаолиятга оид маълумот ва буюмларни йиғиб келмоқда. Манбаларга кўра, ўша пайтда мустабид шуро ҳукуматининг кўрсатмасига асосан минглаб япон асирлари собиқ иттифоннинг турли худудларига, хусусан, 23 миң нафардан зиёди Ўзбекистонга жўнатилган.

Улар ўтган асрнинг 50-йиллари биринчи ярмига қадар Ўзбекистондаги курилиш-бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган. Тақдир тақозаси билан юртимизга келиб қолган японлар ҳақида кекса отахонун онажонлар ёдида илқ хотиралар сақланиб қолган. Баркикег халқимиз ўша даврда уларга меҳр, исик жой берган бўлса-да, улар ҳамisha Ватан соғинчи билан яшаган. Уларнинг тақдирини, уй-халёлари, орзу-истакларига юртдошларимиз ҳам бефарқ бўлмаган.

— Музейлар — тарих кўзгуси, халқ ўтмиши, урф-одати, анъанаси, қадрият ва турмуш тарзини ифода этувчи макон, — дейди Жалил ота. — Халқнинг маънавий дунёсини

бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни беқийс.

Жалил Султонов Ўзбекистонда 1940–1950 йилларда яшаган японлар тарихини сақлаб қолиш йўли билан Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиздан бири. 2016 йили Жалил ота Япония императори томонидан “Отаётган кўёш, олтин ва кумуш нурлар” ордени билан тақдирланган.

Уй-музейида япон фуқароларига оид мингдан зиёд сурат, буюмлар, эсдаликлар, хотира қайدلари сақланмоқда. Жалил Султонов 1991 йилдан бошлаб Япония тарихи, маданияти, санъати, юртимизда яшаган японларнинг тақдирини ўрганиш ва ўз идида экспонатларни йиғиш билан шуғулланган, кейинчалик музей сифатида ташкил этган.

Аваллига икки хонада жойлаштирилган буюмлар юртдошларимизнинг истаклари билан олиб келинган суратлар, ашёлар билан кенгайиб учта хонага жойланди. Музей бешта — тарихий-маданий алоқалар, япон фуқароларининг фаолияти, Ватанга қайтиш, япон фуқароларининг қабристонлари, бугунги кун Япония билан муносабатлар бўлимиридан иборат.

Экспонатлар қаторидан жой олган беланчак, ўша пайтлари кийилган тахтадан ясалган оёқ кийимлар японлар томонидан ясалган ва юртдошларимизга тақдим қилинган.

Япониядан келган ҳар бир делегация аъзолари, сайёҳлар яққасаройлик Жалил отанинг уй-музейини кўрмасдан юртига қайтмайди. Чунки японлар Ўзбекистонда уларнинг қадриятларини қадрлаб, анъаналарини улуғлаб яшаётган бир ўзбек отахони борлигини жуда яхши билади.

Қадрият

АЗАЛИЙ ЭЗГУ ОДАТЛАРИМИЗ ҲИҚМАТИ

Миржалол ҚОСИМОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси

Хайру саховат кўрсатиш, ўзгаларга кўмак бериш азалий қадриятларимиздан бири сифатида онгу шууримизга болалигимизданок сингдириб келинган.



Ёшимиз улғайиб, ҳаётнинг аччиқ-чуқлигини тоғиб, ақлимиз ривожланиб, онгимизда сабов ва гуноҳ борасидаги қатъий тўхтавлар жамланган ёшга етганимизда ҳам ота-оналаримиз томонидан сингдирилган бу тарбиянинг нақадар улуг эканига иқдор бўлаверамиз.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг барча ватандошларимиз, уламолар, сирҳиммат тadbиркорларимиз томонидан яқдидлик билан кўлаб-қувватланиши ҳам ўзбекнинг қонига сингиб кетган буюк тарбия маҳсулидир.

Юртимиз уламолари илмининг барча соҳаларида ёрқин из қолдирганлар. Хусусан, аждодларимиз ҳанафийликнинг Бухоро фикҳи мактабига асос солганлар. Мазкур мактабнинг йирки намояндаларидан бири Шамс ул-айма Сараҳсийдир.

У зот XI асрда яшаб ижод қилган бўлса-да, асарлари ҳозирги кунга қадар ислом фикҳи, ислом халқаро фикҳи, ислом молияси ва банк тизими каби қатор соҳаларда диққат билан ўрганилиб, ҳаётга тағбиқ этиб келинади. Ислам оламининг нуфузли илм даргоҳларида дарслик сифатида ўқутилади. Шамс ул-айма Сараҳсийнинг энг муҳим асари “Ал-мабусу” дунё уламолари томонидан эътибор этилган фикҳий манбадир. Мазкур асарда закот бериш, саховат кўрсатиш исломнинг беш фарзидан бири бўлиши билан бирга, улуг ибодат экани алоҳида таъкидланади. Сараҳсий изоҳича, закотнинг лугавий маъносини поклаш бўлиб, киши бу

орқали ўзида қолган молу давлатини поклаб олади. Бундан ташқари, закот — саховат муулмонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам у улуг фазилатдир.

Шамс ул-айма Сараҳсий молиявий ибодатларни адо этиш ислом шариати томонидан қодир деб белгиланган кишиларга лозим бўлишини ўқтиради. Бунда берувчи олувчининг ранжитмайдиган йўл тутуши талаб этилади. Бу ҳам сифатга ва ҳам миқдорга тааллуқли. Бундан кўринадикки, саховат муҳтож одамга ўзига раво кўрилганидек етарли миқдорда берилиши лозим. Токи ундан сабов тўла ҳосил бўлсин. Берилган ҳадянинг сифатисизлигидан олувчининг ҳам кўнгли ўқимасин.

Бу Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзи билан исботланган: “Улар тақводорларини фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қилади-ган, газабларини ютадиган, одамларни (хатокамчиликларини) авф этадилар. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”. Саховат ва кўмак — шу қадар эзгу иш. Уни қалбдан аниқлаш, унга ишониб, қолаверса, амал қилиш даркор.

Бундан эса ҳар биримиз чиқарадиган хулоса битта: биз ҳеч қачон саховатини ўзгача дариг тутмаган, қийин кунда кўмакка ҳамisha ҳозир бўлган буюк халқ фарзандимиз. Олдимиздаги бу синовиий дамларни ҳам муқаддас динимизни, улугларимиз ўғитларини, эзгу ташаббусини кўлаб-қувватлаб, келажак авлодлар олдига юзимиз ёрғу бўлиб, ҳамжиҳатликда энгиз ўтатиш, ишрооқлоқ.